



1956-YIL 4-YANVARDAN  
SHIQA BOSHLAGAN

АДАБИЙ-БАДИИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ, ИЖТИМОИЙ ГАЗЕТА

№ 46 (4548)  
2019 ЙИЛ 8 НОЯБРЬ

# O'ZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI

## ПАРЧАЛАНМАС БИР ДИЁР — ЎЗБЕК ТИЛИ

Хар бир миллатнинг ўз она Ватани ва ўз она тилига эга бўлиши Давлат мустақиллигининг муҳим белгисидир. Хусайн Бойқародек маърифатли султон ҳазрат Алишер Навоийни "Турк тилининг ўлик баданига руҳ кийгизди" деб улуғлаган ва туркий-ўзбек тилининг янги ҳаётини бошлаб берганини эътироф этган.

2019 йил октябрь ойида Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев она тилимиз тақдири билан боғлиқ икки буюк тарихий ҳужжатни имзолади: 4 октябрь куни "Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили ҳақида"ги Қонуни қабул қилинганининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида"ги қарор ва 21 октябрь куни "Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармон эълон қилинди. Бу икки ҳужжат ўзбек тили ҳаёти ва ривожига янги бир даврни бошлаб беради, деб ўйлайман.

Президент фармони мени она тилимиз ва миллий ёзувимиз билан боғлиқ мулоҳазаларимни журъат билан баён қилишга ундади. Ҳолбуки, яқин-яқингача биз миллатимиз маънавий ҳаёти билан боғлиқ оддий фикр ва мулоҳазаларни айтишга ҳам имкон тополмай қолган эдик.

Инсонга инсонлик шарафидан далолат берадиган тўрт қадрият бор: Биринчи, хар бир инсон ўз эрк ва ихтиёрига эга бўлмоғи лозим. Иккинчи, шаръий ёки қонуний касб-кор орқали топган молу дунёси ҳалол меҳнатнинг маҳсули ўлароқ ўз ҳаққи, ўз мулки бўлмоғи лозим. Учинчи, хар бир миллат ўз ҳақиқий онаси бўлмиш Ватанига, тугилиб ўсган юрти, ота-бобосидан мерос қолган дёғрига эга бўлиши лозим. Она Ватанини бошқалар тасарруфига бериб қўйиш инсонларнинг кечирилмас оғир жинояти ва хиёнатидир бўлади. Тўртинчи, хар бир мамлакат халқи асрлар буйи асралиб келаётган муқаддас динига соҳиб бўлмоғи лозим.

Марҳум аллома Алихонтура Соғуний "Туркистон қайғуси" асариди ана шу тўрт хусусни таъкид билан баён қилди. Жамият-шуннос олимлар бу тўрт неъматга харбий қувватни ҳам қўшганлар ва хар бир миллатнинг

мустақиллиги унинг мудофаа қувватига ҳам боғлиқ эканини таъкидлаганлар.

Юқоридаги хусусларнинг учинчиси ва энг муҳими бўлмиш она Ватан мавзусига ўша халқнинг она тили масаласи ҳам қиради. Халқимиз яқин ўтмишда "мажбурий руслаштириш" сиёсатини ва "хамма тиллар ўлади, дунёда бир тил қолади" деган кўркунни бошидан кечирди. Устоз Эркин Воҳидов бу жараёни ифодалаб, жумладан, бундай деб хайқирган эди:

"Эй вонз, паства тушгин,  
Бу гап чиқди қаердан!"  
Навоий билан Пушкин  
Туриб келди қабрдан...


...Бу садо янграб ҳамон,  
Сира адо бўлмайди.  
Олам айтар: "Ҳеч қачон  
Она тилим ўлмайди!"

Бас, ушбу мақолада она тилининг ҳаёти билан боғлиқ беш мавзуда сўз юритамиз. **Биринчиси**, ўзбек тилининг бугунги аҳоли, унинг мавқе-мақомини ошириш муаммолари, Давлат тили ҳақидаги қонун татбиқотининг навбатдаги босқичлари. **Иккинчиси**, тил тозаллигини сақлаш, рус ва инглиз тиллари орқали қираётган халқаро сўзларнинг муқобилини тузиш чоралари. **Учинчиси**, 1989 йилда қабул қилинган Давлат тили тўғрисидаги қонуннинг нима сабабдан ўзгаришига ва тахрирга учрагани, ундан олиб ташланган ҳаётини моддаларни тиклаш масалалари. **Тўртинчиси**, лотин имлосини такомиллаштириш ва ҳаётга жорий этиш борасидаги тақлиф ва мулоҳазалар. **Бешинчиси**, эски луғатларни қайта ишлаш ва янги луғатлар тузиш масаласи. Бу масалаларнинг хар бири биздан уйғок вилдон ва адолат билан сўз юритишни талаб этади.

Биринчи мавзу билан боғлиқ мулоҳазалар. Ўзбекистонда давлат тили ҳақидаги Қонун қабул қилинганига (1989–2019) ўттиз йил тўлди. Камина Давлат тили ҳақидаги Қонунни тайёрлаш хайъатининг фаол аъзоси эдим. Атоқли олим, раҳматли Эркин Юсупов раис, Бахтиёр Назаров, Акмал Саидов каби олимлар фаол аъзолардан эдилар. Лекин ҳозир биз амал қилаётган қонун 1989 йилда қабул қилинган Қонун эмас, балки 1995 йилнинг 21 декабрида деярли яширин услубда хиёнаткорона равишда ўзгаришга учраган янги тахрирдаги Қонундир.

Нима бўлганда ҳам, Давлат тили ҳақидаги Қонун талабларини амалга ошириш борасида анча хайрли ишлар қилинди, жиддий натижаларга эришилди. Лекин Қонун амалиёти анча сустанлик билан бормоқда. Бу ҳол уч суратда жиддий кузатилади:

1. Давлат тили ҳақидаги 1995 йилги Қонунда ўзбек тилини ўрганиш заруриятини белгилайдиган ёки унга рағбатни оширадиган бирор банд мавжуд эмас. Қонунга кўра, фуқаролар миллатлараро муомала тилини ўз хоҳишларига кўра танлаш ҳуқуқига эга. Бу дегани ўзбек тилининг жамиятда ҳеч қандай зарурияти йўқ, дегани. Яна Қонунда Ўзбекистон фуқароларининг давлат тилини билиши, ўрганиши шартлиги бирор нуктада қайд этилмаган. Шунингдек, бирор давлат идорасига ишга кириш ёки расмий тайинловларда давлат тилини билиш шартлиги белгиланмаган. Қисқаси, бу ифодалар бошқарув соҳасида ва расмий муомалада урф бўлган рус тилининг мавқеини мустақамлаб, расмийлаштириб берган, ҳолос. Президент Шавкат Мирзиёев фармонида "Давлат тили ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини бугунги кун талаблари нуктага назаридан такомиллаштириш ҳолда унинг янги тахрирдаги лойиҳасини ишлаб чиқиш таъкидланган. Бу янги тахрирдаги бўлажак Қонун ўзбек тилининг мавқеини тўғри белгилаб бериши ва халқ манфаатини ўзида жамлаши зарур.



## РАНГИН ҒИМФИРЛАР

Баҳор гулларининг ёмғири —  
Пушти, зангор, қирмизи, оппоқ...  
Сассиз, аммо уларнинг сирин  
Ёар атрин сочиб гуляпроқ.

Ёз ёмғири — заррин оппоқ нур,  
Ёндиради борлиқни меҳр.  
Дарахтзорда сим-сим кўринур  
Нур ёмғири, таратиб сеҳр.

Куз ёмғири — тўқилар япроқ  
Шамол билан бирлашадилар.

Айриқдан дарак-ку, бироқ,  
Олтин рангда сирлашадилар.

Қор ёғди баҳорга қадар,  
Зумрад қишда оппоқ ҳаёлдай.  
Осмонлардан сочилган оқ зар  
Учиб тушар тупроққа қордай.


Гоҳо шундай, боқиб фалакка,  
Ҳаёлимга бераман пардоз.  
Шаррос ёққан ёмғир юракка  
Шодлик. Қувонч кўз ёши, ҳолос.

ХУМОЮН

Тиббиёт ходимлари кунни олдидан

## ЭЛ САЛОМАТЛИГИ —

### ОЛИЙ САОДАТ



этиборни яққол кўрсатиб турибди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюмисини поликлиникасида, асосан, ижодкорларга тиббий ёрдам кўрсатилади. Ушбу масканда шифокорлар самарали меҳнат қилиши учун барча шарт-шароитлар яратилган.

— Тиббиётнинг ўзгармас қондаси бор, — дейди поликлиника бош шифокори Анвар Ражабов, — касалини доволагандан кўра, унинг олдини олган афзал. Соғлом ижодкор завқли асар ёзади. Поликлиникада хасталикларни эрта аниқлаш ва олдини олишга алоҳида этибор қаратилади. Шифокорларнинг ана шундай сазий-харакатлари туфайли юрак-қон томир, саратон, қандли диабет каби касалликларни доволаш кўрсаткичлари мунтазам ошиб бормоқда.

Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини мустақамлаш борасида амалга оширилаётган ишлар замирида ана шу эзгу мақсад мужассам.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, "Халқ тиббиёт соҳасига қанчалик ишонса, давлатга ҳам шунчалик ишонади. Халқ кўрсатилаётган тиббий хизматлардан рози бўлса — давлатдан, бугунги юртилаётган сиёсатдан ҳам рози бўлади".

Тиббий хизмат соҳаси ва халқимиз саломатлигини яхшилаш борасида кейинги йилларда Президентимизнинг ўнлаб фармон, қарор ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг етмишдан зиёд ҳужжатлари қабул қилинди. Шунинг ўзиёқ "Ислохот — ислохот учун эмас, аввало, инсон учун!" деган эзгу тамойилни ҳаётга жорий этишдаги фидойилик, ғамхўрлик ва



Ахмед ТўРА олган суратлар

Абдулла Қодирий таваллудининг 125 йиллиги

## НЕГА "ЎТКАН КУНЛАР"НИ СЕВАМИЗ?


"Ўткан кунлар" романи ўз вақтида ўқувчилар оммаси томонидан талашиб ўқилганини, матнини кўп мухлислар ёд билганини, меҳмонхоналарда қодирийхонлик кечалари узоқ йиллар давом этганини биламиз. XX аср ўзбек ўқувчиси том маънодаги роман маърифатини Қодирийда, хусусан, "Ўткан кунлар"да топди.

Хўш, бунинг сабаби нима эди?

Тўғри, асарда миллий тарихимизга доир фожиавий вазиятлар, туркий маънавийнинг иймон ва қуфр ўртасида кечган талош паллалари, ички зиддиятлар, мустақамла хавфи ва ҳоказолар ҳақида гап кетади. Аммо бу мавзу Абдулла Қодирий яшаган ва ижод этган давр адабиёти учун янгилик эмас эди. Бехудийдан тортиб Авлоний, Фитратгача, Мунавварқоридан тортиб Сиддиқий-Ажзий, Ҳамза, Чўлпонгача бўлган барча жаҳид зиндилари худди шу мавзуда бир эмас, ўнлаб асарлар ёзганлар. Аммо буларнинг бирортаси "Ўткан кунлар" романидек акс-садо бера олмаган.

Унда сир нимада? Ўзбекининг етти яшаридан етмиш яшаригача яхши биладиган, билишгина эмас, қалби билан ҳис этадиган Отабек ва Қумуш ўртасидаги муҳаббат фожиасидими? Асардаги лириклик, ширин изтироб, шарқона сабр-қаноат, садақат ёки вафодами? Ёки роман сюжетидидаги саргузаштлар, фавқулодий вазиятларнинг гўзал тасвиридами?

Биринчидан, хоҳлаймизми, йўқми "Ўткан кунлар"га қадар, ўзбек адабиёти тарихида, айнан роман жанри талабига жавоб берадиган асар йўқ эди. Қодирийнинг баъзи замондошлари томонидан



"миллий рўмон" ўлароқ тақдим этилган битикларини эса, бошқа хар қандай жанр қаторига киритиш мумкин бўлса ҳам, роман дея олмаймиз.

Иккинчидан, Қодирий мансуб миллий адабиёт аънаваларида айнан роман жанри тажрибаси бўлмаган.

Учинчидан, баъзи тадқиқотчилар Қодирий романчилигининг шарқона манбаи ўлароқ қарашига мойил, араб ёзувчиси Жўржи Зайдон романлари ўзининг хроникал табиати, жанр жиҳатидан қиссага яқинлиги билан бундай юк залворини кўтаришга ожиз.

Тўртинчидан, роман бошидаги "Ёзғучидан" деган мухтасар сўзбошида Абдулла Қодирийнинг ўзи санаб ўтган "Тоҳир-Зухра", "Чор дарвеш", "Фарҳод-Ширин", "Баҳромгўр" сингари асарларда халқ ижодиёти аънавалари етакчилик қилади. Улар роман учун муайян аҳамият касб этса ҳам, асос вазифасини бажара олмайди. Бешинчидан, Қодирийгача бўлган "Лайли ва Мажнун", "Фарҳод ва Ширин", "Юсуф ва Зулайхо", "Баҳром ва Дилором", "Гул ва Наврўз" сингари классик достонлар шакл ва мазмун қонун-қоидаларига кўра тамомила ўзгача адабий ҳодисалар.

Олтинчидан, Абдулла Қодирий ўз романини "Оврўпо рўмончилиги йўлида" ёзишни мақсад қилганини таъкидлаган. Аммо Европа романчилиги аънавалари Қодирий замонидан 1500–1700 йил нарида бўлган қадим Юнон романига бориб боғланади. Шарқ дунёсида поэзия нақадар изчиллик ва назокат билан ривожланган бўлса, Европа романи ҳам XX асргача тахминан шунга яқин йўлни босиб ўтган. Қодирий даврига келиб, Европа романи ўзининг энг муқаммал бошқа кўлаб роман аънаваларидан чекиниб, декадент адабиёт тимсолида инқироз палласини бошидан кечираётган эди. Шундай экан, Европа романчилиги ҳам Қодирий учун тайёр қилиб бўлиши мумкин эмас эди.









